

ИМОМЛИК ВА ЖАМОАТ

“Мухтасар ақида” китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



**Шайх Аҳмад ибн Абдуррахмон
Ал-Қозий**



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий

Мухаррир: Абу Абдуллох Шоший

الإمامة والجماعة

مقالة مقتبسة من كتاب "العقيدة الميسرة"

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



د. أحمد بن عبد الرحمن القاضي



ترجمة: أبو جعفر البخاري
مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

ИМОМ (РАҲБАР)ЛИК ВА ЖАМОАТ

1 — Байъат (садоқат)нинг фарзлиги

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Байъати (садоқати) бўлмай вафот этган одам жоҳилият ўлими билан ўлган бўлади», — дедилар (Имом Муслим ривояти).

2 — Амру маъруф қилаётган раҳбарларга қулоқ солиш ва итоат этиш: ҳаж, жума ва ҳайит намозларини тақводор ёки фосиқ бўлсалар ҳам раҳбарлар билан бирга адо этиш. Уларга насихат қилиш, келишмовчилик пайтида Қуръон ва суннатга мурожаат этиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» (Нисо: 59).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмон киши гуноҳга буюрган ҳолатидан бошқа пайтларда, суйган ва суймаган барча ишларда, (раҳбарларга) кулоқ солиб, итоат этиши вожибдир. Гуноҳ ишга буюрилса кулоқ ҳам солмайди, итоат ҳам этмайди» (Муттафақун алайҳ);

«(Раҳбарларига) бўлган итоатдан воз кечган кимса, Аллоҳ таолога ҳужжати бўлмаган ҳолатида дуч келади» (Имом Муслим ривояти).

3 — Модомики очик куфрни қилмас эканлар, раҳбарларга қарши чиқиш ва уларни ташлаб қўйиш ҳаромдир.

Бунга бизнинг ҳужжатларимиз бор. Зеро Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳу шундай ривоят қилган: «Бизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чақириб, байъат (садоқат) олдилар. Биздан байъат олган нарсалар ичида қувончли ва оғир, қийинчилик ва фароғат замонларда (раҳбарларга) кулоқ солиб, итоат этиш, муҳтож бўлган нарсаларимизни ҳам фидо қилиш, ишнинг арбоби билан Роббимиздан очик ҳужжат бўлган куфрни кўрсакгина тортишиш бор эди» (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар мендан кейин (раҳбарларингиздан) кўплаб ёқтирмаганингиз ишлар ва худбинликларни кўрасизлар», — дедилар. (Саҳобалар): (У замонда) нима қилишимизга буюрасиз, ё Расулуллоҳ?, — дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уларга ҳақларини бериб, ўз ҳақларингизни Аллоҳдан тиланглар!» — деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ривояти).

